Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 154 (6. 943) ◉ 1989 йил 6 июль, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

## Тонгги газеталарда

◉ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачевнинг Францияга визити давом этмоқда. Бугун газеталарда М. С. Горбачевнинг Францияда бўлиши, М. С. Горбачев билан Ф. Миттеран ўртасидаги музокаралар ҳақида хабарлар эълон қилинган.

◉ Эришилган аҳдлашувга мувофиқ Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Ражив Ганди совет раҳбариятининг таклифига биноан шу йил июль ойининг ўрталарида дўстона амалий визит билан Совет Иттифоқига келади, деб хабар берилади расмий хабарда.

◉ «Правда» газетасининг учинчи саҳифасидаги «Халқ депутати минбари» рубрикали «Шунчаки катта оила эмас» мақоласида газета мухбири СССР халқ депутати Б. Е. Патон билан миллатлараро муносабатлар ҳақида суҳбатлашади.

◉ 1989 йил 4 июль куни Совет Иттифоқида «Космос» учирувчи ракетаси ёрдамида Ернинг сунъий йўлдоши — «Надежда» учирилди, деб хабар қилинади ТАСС хабарида.

◉ Республика газеталарида Фарғонада иш олиб бораётган Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов бошчилик қилаётган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг комиссияси фаолияти ҳақида хабар, Ўзбекистон хотин-қизлари республика кенгаши президиумининг кенгайтирилган мажлисида қабул қилинган мурожаат эълон қилинган.

# СССР Олий Советининг биринчи сессиясида



СССР Олий Совети биринчи сессиясининг 4 июлдаги мажлисида раислик қилувчи 30 июнь куни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари лавозимига В. М. Каменцев номзоди муҳокама қилинганлигини эслатади. Овоз бериш чоғида ҳозир бўлган депутатларнинг кўпчилиги унинг тасдиқланишини ёқлаб чиқди. Бироқ ўша мажлисда залда депутатларнинг салкам учдан бир қисми ҳозир бўлмаганлиги сабабли масалани кўриб чиқишга СССР Олий Советининг кейинги мажлисларидан бирида қайтишга қарор қилинган эди.

В. М. Каменцев номзоди яна муҳокамага қўйилади.

В. М. Каменцевни халқаро ишлар комитети, иқтисодийислоҳот масалалари комитети ҳамда план ва бюджет, молия комиссияси номидан қўллаб-қувватлаган депутат **А. С. Дзасохов**дан кейин депутатлардан **А. А. Собчак, А. Г. Журавлев** ва **С. Н. Хожиев** сўз олдилар. Даъвогар шанига жиддий танқид гаплари айтилди.

Овоз бериш натижасида В. М. Каменцевнинг СССР Министрлар Совети Раиси ўринбосари лавозимига номзоди рад этилади.

Овоз бериб бўлингандан кейин **Н. И. Рижков** сўз олади. У овоз бериш натижаларига қарамай, ўз фикрида қолишини, В. М. Каменцев яна бир неча йил СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари лавозимида самарали ишлаши мумкин эди, деб ҳисоблашини айтди.

Н. И. Рижков СССР Олий Советининг халқ депутати сифатида депутат А. А. Собчакнинг баёноти хусусида СССР Олий Совети Президиумига сўров билан мурожаат қилди. Депутат Собчак В. М. Каменцев бошчилик қилган аппаратда гўё қариндош-уруғчилик алоқалари туфайли лавозимларни эгаллаб турган ходимлар оз эмас, деган эди. Нотиқ А. А. Собчакдан ана шу кишиларнинг рўйхатини СССР Олий Советига тақдим этишни талаб қилди.

Раислик қилувчи депутат Н. И. Рижковнинг талабини қўллаб-қувватлайди.

СССР Олий Совети СССР министрлари лавозимларига номзодларни кўриб чиқишга ўтади.

А. С. Сисцовни СССР авиация саноати министри этиб тайинлаш тўғрисидаги масала депутатларнинг муҳокамасига қўйилади.

**А. С. Сисцов**га сўз берилади. У мамлакат авиация саноатини ривожлантириш истиқбол программаси тўғрисида депутатларга сўзлаб берди. Унинг сўзларига кўра, тармоқ мутахассислари ўзларининг келгусидаги ишларида ишлаб чиқарилаётган техниканинг сифатини оширишга, унинг ишончлилиги ва пишиқ-пухталигига асосий эътиборни қаратиш ниятидадирлар. 2000 йилгача мўлжалланган тегишли планлар ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда. Космик программалар устидаги, «Бўрон» системасини яхшилаш устидаги, шунингдек анча ҳаракатчан авиация-космик системалар устидаги ишлар давом этмоқда.

Қурол-яроғларни харид қилишга маблағлар қисқартирилаётган, конверсия қилинаётган шароитда биз бўшатилаётган қувватларнинг бир қисмини граждан авиацияси техникасини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтириш ниятидамиз, деди сўнгра министр лавозимига номзод. У енгил саноат, агросаноат, савдо учун машиналар системаси, техник ускуналар ишлаб чиқариш планларига батафсил тўхталди. Унинг фикрича, бу соҳада ҳам ҳозирги замон техника даражасига чиқиб олиш вазифаси турибди.

Нотиқ халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш юзасидан тармоқ ўртага қўйган вазифалар билан халқ депутатларини таништирди. Бунга, жумладан, чет элларга авиация техникасини пландан ташқари сотиш ва олинган валютага зарур ускуналарни харид қилиш ҳисобига эришиш мўлжалланмоқда.

Номзод ўз нутқининг бир қисмини тармоқнинг социал программаларига, авиация саноатимизнинг яратилаётган авиация техникасини самарали равишда муттасил такомиллаштириб боришига имкон берадиган истиқболли илмий тадқиқотларга бағишлади. Министр лавозимига даъвогар депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Депутатлардан **В. И. Колесников, А. А. Коршунов, В. И. Воскобойников, Е. А. Кутепов** ва бошқалар министр лавозимига даъвогар шанига фикр-мулоҳазалар ва истакларни билдирдилар.

А. С. Сисцов СССР авиация саноати министри этиб тайинланади.

СССР автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри лавозимига даъвогарлик қилаётган Н. А. Пугиннинг номзодини муҳокама этиш таклиф қилинади.

**Н. А. Пугин** минбарга чиқади.

Нотиқ депутатлардан тушган саволларнинг йўналишини эътиборга олиб, идоранинг умумий позициясини баён этиш чоғида қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантириш муаммоларига алоҳида эътибор берди. Бундай устунлик учун жиддий сабаб бор. Маълумки, министрлик ўтган йилнинг декабрь ойида автомобиль саноати ва қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш саноати негизида ташкил этилган эди.

Ўтган вақт ичида, деди ҳукумат аъзолигига номзод, бош масалаларни аниқлаб олишга муваффақ бўлиндики, қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш ана шу масалаларни ҳал этишга боғлиқ, ишнинг истиқболли йўналишлари ҳам белгилаб олинди. Нотиқ ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалик машинасозлигига хос кўпгина камчиликларни ўз-ўзини танқид руҳида эътироф этиб, қишлоқ учун яратилаётган техникага нисбатан барча даъволарни ҳисобга олиб, ўзига хос ревизия ўтказилганлигини маълум қилди. Шунга мувофиқ кўпгина моделлардаги машиналарнинг бир қанча янги типлари жадал суръатлар билан ишлаб чиқилмоқда ва модернизация қилинмоқда.

Жумладан, тракторсозлик соҳасида нималар қилинаётгани депутатларга муфассал айтилди. Кучли машиналар ишлаб чиқарувчи қувватлар вужудга келтирилмоқда. КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленуми қарорларини эътиборга олиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги ижарачиларга, оилавий пудрат звеноларига хизмат қилувчи механизация воситаларини яратишга катта кучлар жамланган. Ҳам Ватанимиздаги, ҳам лицензия асосидаги ишланмалардан фойдаланилмоқда. Мамлакатнинг ЗИЛ, ВАЗ КамАЗ каби ва бошқа энг катта автомобиль заводлари мана шунга жалб этилган. Тармоқ донли экинларни ва ем-хашакни йиғиштириб олиш чоғида нобудгарчиликни иложи борича камайтириш имконини берадиган техникани яратиш вазифасини сабот билан ҳал этмоқда. Шу боисдан хилма-хил янги машиналар мамлакатнинг турли регионларидаги иш шароитини эътиборга олиб яратилмоқда.

Мана шу ишланмаларнинг ҳаммаси мумкин қадар тезроқ фақат намуналаргина бўлиб қолмай, кўплаб ишлаб чиқарила бошлаши жуда муҳимдир, деб таъкидлади нотиқ.

Саволларнинг катта бир туркуми мамлакатнинг автомобиль паркини шакллантириш муаммолари билан боғлиқ эди. Нотиқ ана шу саволларга жавоб қайтариб, ҳукумат келгуси беш йилликда енгил машиналар ишлаб чиқарувчи қувватларни амалда икки баравар оширишга қаратилган қарор қабул қилганлигини айтди. Бу — ўткир социал масалани ҳал этиш йўлида қўйилган муҳим қадамдир. Юк автомобилларини ишлаб чиқаришда эса, ҳукумат аъзолигига номзоднинг фикрича, мақбул даражага эришилган.

Масалани муҳокама қилишда депутатлардан **И. М. Ивченко, В. Я. Калашников, В. И. Гросс, В. Е. Головиев** ва бошқалар иштирок этдилар.

СССР Олий Совети Н. А. Пугинни СССР автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри этиб тайинлайди.

В. Ф. Коновалов СССР атом энергетикаси ва саноати министри лавозимига тасдиқланиш учун таништирилади.

Минбарда — **В. Ф. Коновалов.** У бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда ишлаётган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюролари, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва комбинатлар, қурилиш ташкилотлари кирган министрликнинг структураси ҳақида сўзлаб берди. Тармоқнинг асосий вазифалари мудофаа техникасини ясаш ва яратишдан иборатдир. Бунга асосий эътибор берилади.

Биринчи навбатда атом станциялари учун буғ ўтказувчи қурилмаларни ишлаб чиқиш — иккинчи бир катта йўналишдир. Ҳозир, деди нотиқ, ана шу ускуналарни тайёрлайдиган корхоналар тармоққа қўшилмоқда. Бундан ташқари министрликка атом станцияларини ишлатиш топширилмоқда. Унинг фикрича, барча ишларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган структурани вужудга келтириш зарур.

Сўнгра нотиқ тармоққа қарашли бўлган фундаментал илм-фан олдида турган вазифаларга тўхталди. Термоядро тадқиқотларида, юксак энергиялар ва элементар зарралар физикасида, лазер техникасида ва бошқа соҳаларда нотиқнинг фикрича, ёриб ўтишга эришиш зарур.

СССР министри лавозимига даъвогар ўз нутқининг бир қисмини тармоқнинг социал муаммоларни ҳал этишдаги иштирокига, халқ депутатларининг бошқа саволларига жавоблар қайтаришга бағишлади.

Депутатлардан **Е. П. Велихов, В. Д. Романенко, Н. Н. Прибилова, И. М. Богданов** В. Ф. Коноваловнинг номзоди ва тармоқнинг фаолияти тўғрисидаги фикрларини ўртоқлашдилар.

В. Ф. Коновалов кўпчилик овоз билан СССР атом энергетикаси ва саноати министри этиб тайинланади.

Депутат **Е. П. Велихов** министрликнинг аввалги номини, яъни СССР Ўрта машинасозлик министрлиги номини сақлаб қолишни таклиф этади.

СССР Министрлар Советининг Раиси **Н. И. Рижков** шу масала хусусида изоҳ берди.

Унинг фикрича, министрликда энг муҳими халқ хўжалигининг у ёки бу секторида амалга ошириш зарур бўлган ишларнинг мазмунидир. Шу нуқтаи назардан ёндашилган тақдирда Ўрта машинасозлик министрлигининг номини СССР Атом энергетикаси ва саноати министрлигига айлантириш ҳақидаги қарор тўғридир.

Мамлакатимизда номи ниқобланган иккита министрлик — Ўрта машинасозлик министрлиги билан Умумий машинасозлик министрлиги бор эди, деб таъкидлади Н. И. Рижков. Улар нима учун шундай деб аталганлигини тушуниш қийин.

Депутат Е. П. Велиховнинг таклифи овоз бериш йўли билан рад этилади.

Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** депутатларга шуни маълум қиладики, уларнинг истакларига мувофиқ сессиянинг секретариатида махсус ахборот-маълумот хизмати тузилган. Ленин номли давлат кутубхонасида биринчи навбатда депутатларга хизмат уюштирилган. СССР Олий Совети Секретариатининг кутубхонаси ҳам уларга хизмат қилмоқда.

СССР халқ депутатларига гражданларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги эслатма тарқатилганлиги маълум қилинди.

К. Ф. Катушевни СССР ташқи иқтисодий алоқалар министри қилиб тайинлаш тўғрисида таклиф киритилади.

**К. Ф. Катушев** ўз нутқида министрликнинг баъзи асосий вазифаларига тўхталди.

Биринчидан, деди министрликка номзод, ташқи иқтисодий комплекснинг бошқа қатнашчилари билан биргаликда давлатда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш системасини вужудга келтиришни тугаллаш керак. Бу мамлакатда бўлган экспорт ресурсларидан оқилона фойдаланишга имкон беради.

Иккинчидан, Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги халқ хўжалиги тармоқларида рақобат қобилияти бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган махсус экспорт ишлаб чиқаришларни ташкил этишга кўмаклашиш ниятидадир.

Учинчидан, ташқи иқтисодий фаолият ислоҳоти омилларини такомиллаштириш, уни бутун мамлакат экономикасини ислоҳ қилиш элементлари билан мувофиқлаштириш министрлик фаолиятининг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Давлат корхоналари коллективлари манфаатларини умумдавлат манфаатлари билан уйғунлаштиришни таъминлаш керак бўлади.

Давлат аҳамиятига молик моллар ишлаб чиқараётган, лекин бугунги кунда валюта тушумлари олмаётган корхоналар коллективлари аҳволини социал жиҳатдан тўғрилаш учун валюта тушумлари системасини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказиш зарур, деб таъкидлади нотиқ. Давлат буюртмаларига мувофиқ маҳсулот экспорт қилаётган, ўз маҳсулотини қарзга ва текинга бераётган корхоналарга нисбатан ҳам худди шундай ишларни амалга ошириш керак.

К. Ф. Катушев, шунингдек стратегик аҳамиятга молик маҳсулотларни — дон, озиқ-овқат молларини экспорт қилаётган Ватанимиз ишлаб чиқариш корхоналарини валюта ва валюта товарлари билан рағбатлантириш зарур, деб ҳисоблайди.

СССРнинг социалистик мамлакатлар билан алоқалари самарадорлигини ошириш ҳам устун вазифалардандир, деб таъкидлади нотиқ.

Депутатлардан **Г. И. Исаев, А. Н. Саунин, Е. У. Ким** тавсия этилаётган номзод тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

К. Ф. Катушев СССР ташқи иқтисодий алоқалар министри лавозимига тайинланади.

Раислик қилувчи Г. А. Габриэлянцни СССР геология министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни таклиф этади.

Министрликнинг келажак фаолияти концепциясини баён этиш ва депутатларнинг саволларига жавоб бериш учун **Г. А. Габриэлянц** минбарга таклиф этилади.

Мамлакатимиз ер остидаги минерал хом ашёнинг ҳамма турлари билан халқ хўжалигини таъминлаш ҳозир геология-қидирув тармоғининг бош вазифасидир, деди у. Давлат минерал хом ашёнинг кўпчилик турлари запаслари жиҳатидан дунёда биринчи ўринни эгаллаб турган бўлса ҳам, улардан бир қанчасини қийинчилик билан олмоқда. Нотиқнинг фикрича, кўпгина конлар олис истиқболдагина самара беражаги бунга сабаб бўлмоқда.

**(ТАСС).**



«Ташметрострой» трестининг пешқадам ишчи коллективлари кўп. Шулардан бири Г. Гостенин етакчилик қилаётган лаҳмчилар бригадасидир. Улар шу кунларда зиммаларидаги топшириқларини сидқидилдан адо этмоқдалар.

Р. Шарипов сурати.

# Ташвишли манзиллар бўйлаб

Мана уч йилдирки, В. И. Ленин номидаги Совет болалар фонди ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ташаббуси билан болалар ва аёллар ўлими юқори бўлган районларда истиқомат қилувчи болалар ва оналарга шошилинч медицина ёрдамини кўрсатиш учун мамлакатимизнинг етакчи медицина муассасаларининг шифокорлари Ўзбекистонга ташриф буюришмоқда.

Уларнинг ҳаммаси — педиатрлар, акушер-гинекологлар, неонатологлар — даставвал Тошкентга қадам ранжида қилишади. Аммо бу ерда узоқ вақт қолиб кетишмайди: ким, қаерга ва қандай қилиб йўл олади мазмунидаги ташкилий масалаларни ҳал этиш учун кўпи билан икки кун бўлишади холос. Шундан сўнг дарҳол йўлга тушадилар.

Бутуниттифоқ шифокорлар десанти йўл олган манзиллар турли-туман. Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё, Сирдарё ва республикамизнинг бошқа областлари шулар жумласидандир. Шу ерларда уларнинг ёрдами айниқса зарур.

Эпидемиялар жиҳатидан айниқса хавфли бу йилги ёзда — юқумли касалликлар авж оладиган даврда областларда 150 га яқин врачлар меҳнат қилмоқда. Шуларнинг 75 нафари РСФСРдан — Иваново, Тула, Воронеж, Саратов, Рязань, Новгород ва бошқа шаҳарлардан етиб келди. Улардан ташкил этилган 13 бригада Қорақалпоғистон область ва республика касалхоналарида, реанимация бўлимларида даволаш ишларини олиб боришяпти, маслаҳатлар беришяпти, маҳаллий врачлар билан ўз тажрибаларини ўртоқлашишяпти.

Ленинград педиатрия илмий-тадқиқот институтининг 15 нафар врачидан таркиб топган бригада май ойидан бери Бухорода юқори малакали медицина ёрдами кўрсатаяпти. СССР Медицина фанлари академияси педиатрия илмий-тадқиқот институтининг, Бутуниттифоқ оналик ва болаликни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот марказининг медиклари Қорақалпоғистонда ва Сурхондарё областида маслаҳатлар беришяпти, кичик беморларга медицина ёрдамини кўрсатишяпти. Ленинград врачлар малакасини ошириш институтидан келган 10 нафар мутахассис Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССР касалхоналарида меҳнат қиляпти.

Тошкент медицина илмий-тадқиқот институтлари, Тошкент медицина институти, Ўрта Осиё медицина педиатрия институти, Андижон ва Самарқанд медицина олий ўқув юртларининг 50 дан зиёд бригадаси ҳам республика қишлоқ касалхоналарининг врачларига ёрдам бериш учун жўнаб кетди. Бундан кузатилган мақсад — беморларга юқори малакали медицина ёрдами кўрсатиш, болалар ва оналар сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мустаҳкамлаш йўлида консультациялар ва профилактика ишларини олиб боришдир.

*Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида*

# Унвон муборак!

Совет матбуотини ривожлантиришда ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидаги СССР Журналистлар союзи аъзолари «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвонига сазовор бўлдилар.

**Обидхўжаев Абдусамад** — Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси нашриёт бўлимининг мудири.

**Аъзамхўжаева Зуҳра Муҳаммаджоновна** — «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциялари хатлар бўлимининг катта мухбири.

**Жалолов Муҳиддин Камолович** — «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси бўлими мудири.

**Исломова Матлуба Рихсибоевна** — республика радиоэшиттиришлари ижтимоий-сиёсий программаси Бош редакциясининг шарҳловчиси.

**Каплинская Тамара Моисеевна** — «Правда Востока» газета редакцияси маданият бўлимининг мудири.

**Копейкис Наум Михайлович** — «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газеталари редакцияси бўлим мудири.

**Морозов Иван Александрович** — пенсионер.

**Мусаев Соат Ғиёсович** — «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакторининг ўринбосари.

**Отахонов Маъруф Отахонович** — «Ҳақиқати Ўзбекистон» газета редакцияси бўлим мудири.

**Яковенко Нелли Ивановна** — «Ташкентская правда» газетаси редакторининг ўринбосари.

## *Ҳамкасбимизни табриклаймиз!*



Зуҳра Муҳаммаджоновна Аъзамхўжаева «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясида газеталар ташкил этилган кундан бошлаб, мана 23 йилдан бери меҳнат қилади, унинг журналистика соҳасидаги умумий стажи эса 30 йилдан ошиб кетди.

У редакциянинг энг мураккаб участкаларидан бири — хатлар бўлимига раҳбарлик қилади. Одамларнинг эҳтиёжлари ва ғам-ташвишларига ҳамдардлик журналист аёлнинг ўзига хос фазилатидир. Шунинг учун бўлса керак уни тошкентликлар яхши билишади.

«Оқшом» редакцияси коллективи З. М. Аъзамхўжаевани «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони берилганлиги билан чин қалбдан табриклайди.

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида учрашув

5 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов Тошкентдаги Монголия Халқ Республикасининг бош консули Ц. Буянтогтох, Афғонистон Республикасининг бош консули Ғ. Ҳ. Ҳамгар, Ҳиндистон Республикасининг бош консули Й. Кумар, Ливия Араб Халқ Социалистик Жамахириясининг бош консули А.-М. А.-Г. Омранни қабул қилди.

Консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари номидан Ц. Буянтогтох И. А. Каримовни юксак лавозимга сайланганлиги билан табриклади, ишда муваффақият, республика меҳнаткашларига эсон-омонлик тилади.

И. А. Каримов самимий сўзлар учун миннатдорчилик билдирди, Ўзбекистонда қайта қуриш қандай бораётганлиги ҳақида гапириб берди, яқин вақт ичида ҳал этилиши лозим бўлган асосий муаммоларга тўхталди. Булар орасида уй-жой, озиқ-овқат билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бор. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини ривожлантиришга боғлиқдир, мамлакатда рўй бераётган революцион ўзгартишлар шароитида улар учун кенг имкониятлар очилмоқда. Демография муаммосига катта эътибор берилди, аҳолини иш билан таъминлаш, ёш авлодни тарбиялаш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш масалалари шу муаммо билан боғланган.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Тошкентда ўз консуллик ваколатхоналарига эга бўлган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабат масалалари ҳақида гаплашиб олинди.

Иккала томон мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверишига умид билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## Миш-мишлар ва ҳақиқат

# Чироқлар яна ўчди

Эрталабдан редакцияда телефон қўнғироқлари жиринглай бошлади. Шаҳарнинг турли бурчакларидан мурожаат қилаётганларни бир нарса: электр таъминотидаги узилиш сабаблари қизиқтирар эди. Маълум бўлишича, 4 июль кечаси чироқлар тўсатдан ўчиб қолиб, «Алгоритм», «Шимолий-Шарқ», «Беруний» массивларида истиқомат қилувчи тошкентликлар телевизор орқали «Время» программасини, Юрмаладаги қўшиқчилар конкурсини кўролмай қолишибди.

Нима гап? Эҳтимол шаҳарда навбатдаги фавқулодда ҳодиса рўй бергандир? Вақтни бой бермай «Узбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасига қўнғироқ қиламан.

— Ўтган кеча-кундуз мобайнида электр энергия таъминотида жиддий узилишлар бўлгани йўқ, — тахминан шундай деб жавоб беришади менга телефон орқали.

Овунтирувчи жавобга қарамай, шубҳалар мени тарк этмайди. «Шамолсиз дарахтнинг учи қимирламайди. Ҳеч қандай сабабсиз одамлар «Оқшом»га мурожаат қилишмайди».

Мана ниҳоят мен Тошкент электр тармоқлари корхонасининг бош инженери В. Терсицкий кабинетидаман. Вадим Дмитриевичнинг ҳам ўтган кеча-кундузда рўй берган авариялардан хабари йўқ. Бирорта ҳам маълумотда, бирорта ҳам ҳисоботда фавқулодда ҳодиса ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

В. Терсицкий менинг олдимда шаҳар марказий диспетчерлиги билан боғланади. Қоғозларнинг шитирлаши ва навбатчининг «узилиш бўлгани йўқ» деган овози эшитилади. Шаҳарнинг барча район диспетчерликларидан ҳам худди шундай ахборот олинди.

— Ҳайрон бўлманг. Энергетиклар ишида қишдагидек ёзда ҳам тиғиз пайтлар бўлиб туради. Совуқ кунларда жамики иситиш асбоблари ишга туширилса, ёзда кондиционерлар тўла қувват билан ишлайди, — деб тинчлантиради мени В. Терсицкий. — Ўзингизга маълум, ёғингарчилик кунлари ҳам электр таъминотида узилишлар бўлиб туради.

Айни вақтда шуни ҳисобга олиш керакки, шаҳарда 480 мингдан зиёд хусусий — маиший абонентлар, 19 мингта сартарошхона, магазин каби майда ташкилотлар ва хизматлар бор. Ўз-ўзидан аён, йирик истеъмолчилар — 400 дан зиёд саноат корхоналари ҳам мавжуд. Электр энергияни узлуксиз етказиб бериш ниҳоятда мушкул, баъзан техника панд бериб туради. Шундай экан, таъминотдаги узилишлар бизнинг айбимиз эмас, кулфатимиздир!

Шу билан бирга шаҳар аҳолисини, ишлаб чиқариш объектларини электр энергиясиз қолдираётган бошқа жиддий сабаблар ҳам бор. Ер ковлаш ишларини бажараётганда юқори вольтли кабелларнинг узилиши шулар жумласидандир. Газетамиз саҳифаларида ана шу мавзуга бир неча марта мурожаат қилинди. Айбдорлар топилмоқда, улар ўз қилмишларини бўйинларига олишяпти, чора-тадбирлар кўрилмоқда. Аммо улардан сабоқ чиқарилмаяпти. Кабелларнинг узилиши эса давом этмоқда...

**В. СЛАВИН.**

